

12-1-2019

MODERN STATE OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN

U. Khaydarov
Tashkent State University of Economics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khaydarov, U. (2019) "MODERN STATE OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 27.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

MODERN STATE OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN

The article presents the most widely used investments in the financial management of investment activity in the Republic, problems of investors, the attractiveness of the investment environment, modern methods of investment financial management, and the development of the investment climate.

It also provides scientific proposals and practical recommendations on improving the financial management of investment activities.

Keywords: investments, investment activities, investors, participants in investment activities, investment climate, investment attractiveness.

The rapid changes, innovations and developments in the world economy today require the implementation and improvement of effective reforms aimed at ensuring active economic development from each state. Achieving and maintaining the priority and strategic interests of the national economy in current and long-term domestic and foreign policy, with such a high level of attention and responsibility, will be ensured by consistent implementation of large-scale measures, both domestic and external. Given that it is impossible to do without active investment, investment in the world can be recognized as a key factor in sustaining and sustained economic growth today. The inscription can not understand the story.

Financial management of investments, including foreign investments, plays an important role in the accelerated development of the economy of the Republic of Uzbekistan and introduction of innovations in production and ensuring macroeconomic stability and high rates of economic growth in our economy.

Increased attention to investment and financial management of investments has led to the development of investment activities in the country.

Effective use of investments in the economy is directly related to their management. Investment management is, of course, based on investment activities.

Generally, investment is an integral part of the investment process and relies on and occurs when investment resources are created. In turn, it is directly linked to the purpose of investing. After all, the desire to achieve the goal will encourage the investor to raise capital and then mobilize it for that purpose. After all, as long as the goal is focused on a particular outcome, the result in turn creates specific goals and, consequently, creates a sequence that reflects the investment process. This type of investment occurs through investment activities. Therefore, it is important to know the nature of investment activities.

Хайдаров Ў.А. – ТДИУ катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

Мақолада республикамизда инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш амалиётида кенг фойдаланиладиган инвестициялар, инвесторлар, инвестицион муҳит жозибадорлиги, инвестицияларни молиявий бошқаришнинг замонавий усуллари, инвестицион муҳит жозибадорлигини ривожлантириш юзасидан муаммолар келтирилган. Шунингдек, инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестиция фаолияти, инвесторлар, инвестиция фаолияти иштирокчилари, инвестицион муҳит, инвестицион муҳит жозибадорлиги.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, инвесторы, участники инвестиционной деятельности, инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность.

В статье представлены наиболее широко используемые инвестиции в финансовом управлении инвестиционной деятельностью в республике, проблемы инвесторов, привлекательность инвестиционной среды, современные методы управления инвестиционным финансированием, а также развитие инвестиционного климата. Также приводятся научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию финансового управления инвестиционной деятельностью.

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, янгилашлар ва ривожланишлар ҳар бир давлатдан фаол иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган самарали ислохотларни амалга ошириш ва уни такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Бундай юқори даражадаги эътибор ва масъулиятни талаб этган ҳолда олиб бориладиган ички ва ташқи сиёсатда миллий иқтисодиётнинг устувор ва стратегик манфаатларини жорий давр ва узоқ истикболда ҳам рўёбга чиқариш ва ҳимоялашга эришиш кенг кўламли чора-тадбирларни изчил амалга ошириш билан таъминланади, бироқ, бу тадбирларни ички ва ташқи сармояларни фаол жалб этмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигини назарда тутсак, жаҳонда инвестициялар иқтисодиётнинг бугунги барқарорлиги ва жадал ўсишини таъминловчи бош омил сифатида эътироф этилаётганлиги бежизга эмаслигини англаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон республикаси иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ҳамда мамлакатимиз

иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни молиявий бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицияларга ҳамда инвестицияларни молиявий бошқаришга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтисодиётда инвестициялардан самарали фойдаланиш уларни бошқариш билан бевосита боғлиқдир. Инвестицияларни бошқариш эса, табиийки, инвестиция фаолияти асосида амалга оширилади.

Умуман олганда, инвестицияларни амалга ошириш инвестиция жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда инвестиция ресурслари ҳосил қилиниши натижасига таянади ва юз беради. Ўз навбатида, у инвестициялашдан кўзланган мақсадга бевосита боғланади. Зеро, кўзланган мақсадга эришиш иштиёқи инвесторни капитал тўплаб, сўнг уни шу мақсад йўлида сафарбар этишга ундайди. Зотан, мақсад муайян натижага қаратилар экан, натижа ҳам ўз навбатида, муайян мақсадларни келтириб чиқаради ва тегишлича, инвестиция жараёнини акс эттирувчи кетма-кетликни ҳосил қилади. Инвестицияларнинг бу тарзда ҳаракатланиши инвестиция фаолияти орқали юз беради. Шундай экан, инвестиция фаолиятининг моҳиятини билиш жуда муҳимдир.

Турли иқтисодий адабиётларда “инвестиция фаолияти” тушунчаси мазмун-моҳиятига турлича таърифлар берилган. Уларни чуқур ва кенг тадқиқ этиб ўтган ҳолда, инвестиция фаолияти мазмунига берилган қуйидаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим, деб ҳисобладик.

Инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуидир [1].

Инвестиция фаолияти – инвестицияларни киритиш ёки инвестициялаш, инвестицияларни амалга ошириш бўйича давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг амалий ҳаракатлари йиғиндиси сифаида ўзини намоён этади [2].

Инвестиция фаолияти – бу маблағларни инвестициялаш объектларига даромад (самара) олиш мақсадида киритиш билан боғлиқ фаолият [3].

Кенг маънода, инвестиция фаолияти бу ғояларни ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш, бунинг натижасида барпо этилаётган объект фаолиятини бошқариш ва инвесторларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига еришиш имкониятларини ҳам акс эттиради [4].

Инвестицион фаолият инвестициялашнинг энг асосий марказий бўғини ҳисобланади, чунки айнан ана шу жараёнда инвестиция бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтади, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилмалар (харажатлар), капитал мулк (тайёр маҳсулот), иқтисодий ёки ижтимоий самара (даромад, фойда) шаклини олади.

Инвестиция фаолияти инвесторнинг инвестиция ресурсларини инвестиция объектига сафарбар этишга асосланар экан, мазкур фаолият инвесторнинг мақсадига кўра ташкил этилиши ва бошқарилишини тақозо

этади.

Инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришнинг зарурлиги шунинг билан изоҳланадики, инвестиция фаолиятига йўналтирилган ҳар қандай сармоя, пировардида, ўз-ўзидан инвестор манфаатларини таъминлаб бера олмайди. Биламизки, инвесторлар доимо амалга оширган инвестиция фаолиятдан катта фойда ва самара олишни кўзлайдилар. Бу орқали ўз капиталини кўпайтириш ва уни бозор рисклари остида қийматининг йўқолишидан ҳимоялашни хоҳлайдилар. Бунинг учун улар энг оптимал вариантдаги инвестиция лойиҳасига инвестицияларини йўналтириб, унинг ҳаракатини мунтазам бошқариб бориш орқали кўзланган мақсадига эришишга интиладилар.

Фикримизча, инвестицион фаолиятга берилган тарифлар, унинг моҳиятини тўла очиб беролмайди. Чунки, инвестицион фаолиятда инвестицияларнинг кетма-кетлиги ва уларнинг ўзгарувчанлиги, яни ресурслар (қийматликлар) – қўйиш (харажатлар) ва инвестиция натижасида самара (фойда, даромад) олиш ётиши керак. Агар самара олинмаса инвестициялашга рағбат ҳам бўлмайди.

Юқорида олиб борилган тадқиқотларимиз асосида биз инвестиция фаолияти тушунчасига қуйидагича таъриф беришни ўринли, деб ҳисоблаймиз: **инвестиция фаолияти** – бу ғояларни ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш, бунинг натижасида барпо этилаётган объект фаолиятини бошқариш ва инвесторларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш имкониятларини ҳам акс эттиради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Инвестиция фаолияти инвестиция фаолияти объектларига инвестиция фаолияти субъектлари томонидан йўналтириладиган инвестиция ресурслари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни ўзида мужассамлаштирар экан, бу фаолият инвесторларнинг аниқ мақсадларига асосланган ҳолда юзага келади ва ривожланиб боради. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш тақиқланади. Бундай объектлар давлат аҳамиятига эга бўлган объектлар сифатида ундан бошқа субъектлар томонидан инвестицияланиши қонунан тақиқланади.

Инвестиция фаолияти инвесторнинг инвестиция ресурсларини инвестиция объектига сафарбар этишга асосланар экан, мазкур фаолият инвесторнинг мақсадига кўра ташкил этилиши ва бошқарилишини тақозо этади. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришнинг зарурлиги шунинг билан изоҳланадики, инвестиция фаолиятига йўналтирилган ҳар қандай сармоя, пировардида, ўз-ўзидан инвестор манфаатларини таъминлаб бера олмайди. Биламизки, инвесторлар доимо амалга оширган инвестиция фаолиятдан катта фойда ва самара олишни кўзлайдилар. Бу орқали ўз капиталини кўпайтириш ва уни бозор рисклари остида қийматининг йўқолишидан ҳимоялашни

хоҳлайдилар. Бунинг учун улар энг оптимал вариантдаги инвестиция лойиҳасига инвестицияларини йўналтириб, унинг ҳаракатини мунтазам бошқариб бориш орқали кўзланган мақсадига эришишга интиладилар.

Инвестицион фаолиятда инвесторлар инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳаларига фойда (даромад) олиш ёки самарага эришиш учун жойлаштиради. Бунда инвестиция фаолиятининг таркибини куйидаги 1-расм асосида ифодалаш мумкин.



1-расм. Инвестицион фаолиятнинг таркиби¹

Шунга кўра, инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришнинг зарурлигини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ташкил этишда инвесторнинг ўз мақсадига эгалиги;
- инвестиция фаолияти орқали инвесторнинг ўз капиталини янада кўпайтиришга интилиши;
- инвестиция фаолиятини ташкил этиш унинг доимий бошқарувисиз

¹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

самарали амалга оширилмаслиги;

- инвестиция фаолиятининг самарали кечишига турли рискли омилларнинг таъсири юзага келиши мумкинлиги;

- инвестиция фаолиятида инвестордан бошқа яна кўплаб бошқа иштирокчиларнинг қатнашиши ва унда уларнинг ҳам манфаатлари мавжудлиги;

- ҳар қандай инвестиция фаолияти, албатта, давлат ва жамият манфаатлари ва ривожланиши учун хизмат қилишга йўналтирилганлиги;

- бозорда кучли рақобат шароитининг ҳукм суриши;

- инвесторнинг инвестиция ресурслари чекланганлиги, шу боисдан уни энг самарали инвестициялаш объектида чекланган вақтда максимал фойдаланишга бўлган интилиши ва бошқалар.

Амалиётда инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш бевосита инвестиция лойиҳасига боғлиқ ҳолда ташкил этилганлиги сабабли аниқ лойиҳа бўйича инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришда инвестиция лойиҳаларини бошқариш жараёни юзага келади. Ушбу жараёни таъминлашнинг зарурлиги эса куйидагилардан иборатдир:

1. Молиявий нобарқарорлик шароитида лойиҳа бўйича инвестициялашнинг амалга оширилиши унинг самарадорлигини пасайтириб юбориш хавфини кучайтиради. Бу эса, лойиҳадан кутиладиган самарани таъминлашда уни бошқаришга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Лойиҳа самарадорлиги уни баҳолашнинг бир қанча замонавий усуллари қўллаш асосида аниқланади. Бу лойиҳа бошқарувида муҳим ўрин эгаллайди ва унинг натижаларига асосланиб лойиҳа раҳбари, таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа иштирокчиларда лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки, пировардида, ундан ўз вақтида воз кечиш юзасидан қарорлар қабул қилиш имкониятини туғдиради.

2. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш вақт жараёни билан амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, вақтнинг лойиҳа натижаларига таъсирини мақбуллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Пулнинг вақт мобайнида ўз қийматини йўқотиб бориши инвестиция жараёнида капиталнинг инвестор лойиҳадан кутган самарани ҳосил қилишини таъминлаш йўлида тўғри ва оптимал ишлатилишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради ва оширади.

Инвестициялаш бўш пул маблағларини жалб қилиш эвазига юз беради. Ҳаракатда бўлмаган пул ресурслари ўз қийматини йўқотиб бораверади. Бу йўқотиш аниқ мақсадга эга бўлмаган ва самараси таҳлил қилинмаган инвестициялашда кўпроқ юз беради. Бироқ, турли омиллар таъсири шароитида вақт ўтиши билан пухта ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳасига йўналтирилган инвестициялашда ҳам капитал қиймати ўзгариши ёки ўзгаришсиз қолиши мумкин.

3. Лойиҳани амалга оширишнинг якуний натижасига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири инфляция ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, фоиз ставкасининг сурункали ўзгариб бориши, валюта курсининг ўзгариши, талаб ва

таклифнинг ўзгариши, қонунчиликдаги нобарқарорлик (депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари, мажбурий захира, қайта молиялаштириш ставкаси, валюта сиёсати, божхона сиёсати (ички бозорни ихоталаш) ва ш.к.) кабилар натижасида юзага келади.

4. Турли ноаниқликларнинг мавжудлиги ва таъсири сабаб. Ноаниқлик омилларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларини, жараёнларини самарали бошқаришнинг замонавий тамойиллари, механизмлари ва усулларини билиш ҳамда улардан оптимал фойдаланиш иқтисодиёт, иқтисодий тизимнинг иқтисодиё ривожланишнинг янги сифатига ўтиш имконини беради.

5. Ҳар қандай лойиҳанинг кучли ва ожиз томонлари бўлишини ҳисобга олган ҳолда уларни молиявий таҳлил қилиш ва диагностика қилиш орқали лойиҳани амалга ошириш жараёнида дуч келинадиган рисклар, кризисли вазиятдан чиқиб кетиш юзасидан қарорлар қабул қилиш, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бунда кўриладиган зарарлардан ўзини-ўзи суғурталаш амалиётини кучайтиришга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини турли манбалар ҳисобидан таъминлаш асосида иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилган ҳолда тармоқларнинг ривожланиши инвестицияларни жалб этиш ҳолатига қанчалик боғланганлигини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, уларни жалб этишга интилиш натижаси жалб этиш суръатлари билан бевосита боғлиқлиги ҳам келиб чиқади.

1-жадвал

Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўсиш суръати, фоиз ҳисобида²

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил, январь–сентябрь
Жами инвестициялар	134,1	124,8	108,7	103,8	112,7	112,1	109,9	109,6	108,0	120,4	130,9
Давлат бюджети	142,7	113,5	80,6	110,6	95,3	118,1	92,9	110,1	105,7	130,6	87,5
Корхоналар маблағи	120,7	103,2	97,9	108,1	104,7	118,8	107,6	102,7	101,6	116,7	133,6
Аҳоли маблағи	109,0	130,5	173,9	127,6	127,7	115,6	110,8	111,8	119,8	89,6	104,4
Банк кредитлари	141,8	129,9	200,9	122,1	106,5	104,0	119,5	115,6	100,8	137,9	176,9
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	163,6	156,9	94,1	77,8	105,8	105,6	113,0	107,9	114,5	134,9	132,9
Тикланиш ва тараккиёт фонди	147,9	206,7	141,3	95,1	165,0	62,6	120,8	151,9	113,6	203,2	131,9
Болалар спортини ривожлантириш фонди	х	х	х	х	х	х	х	97,8	102,3	42,4	103,0
Бюджетдан ташқари фондлар	107,0	109,9	76,2	117,0	157,3	142,6	99,0	х	х	х	х
Давлат мақсадли фондлари	х	х	х	х	х	х	х	107,8	87,7	84,6	128,8

Ушбу 1-жадвал маълумотлари тармоқлар бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар ва

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: МАЪНАВИЯТ, 2019. – Б. 84.

кредитларнинг 2008-2011 йиллар оралиғида салбий томон, 2001-2018 йиллар давомида эса ижобий томон ўсиш суръатларини қайд этганлигини кўриш мумкин.

Умуман, мамлакат иқтисодиётига жалб этилган жами инвестициялар ҳажми 2008-2016 йиллар давомида муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бирок, бошланган тузилмавий ислоҳотлар натижасида нархларнинг эркинлаштирилишига боғлиқ ҳолда дастлабки 2017 йилда инвестициялар жалб этиш ҳажмининг 13,4 млрд. АҚШ долларига тушиб кетишига олиб келди. Лекин, олиб борилган изчил инвестиция сиёсати асосида 2018 йилда унинг яна ўсиш томон силжиб, 14,5 млрд. АҚШ долларига етишига эришилди. Эътиборли томони шундаки, жами инвестициялар ва хорижий инвестицияларлар фарқли равишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2011 йилдан то бугунга қадар даврда фақат ижобий кўрсаткичларни қайд этган. Бу ҳам давлатимиз томонидан олиб борилган оқилона ва самарали инвестиция сиёсатининг натижасидир.

Умуман, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар таркибидаги чорак қисмга тенг улушни эгаллашини ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Уларнинг эса иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимотини таҳлил қилган ҳолда эса қайси тармоқларга хорижий инвестициялар ва кредитлар кўпроқ жалб этилаётганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

2-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши ва динамикаси, млрд. сўм³

Худудлар номи	Йиллар						2018 йилда 2013 йилга нисбатан, %
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Республика бўйича жами	28694,6	35233,3	41670,5	49770,6	60719,2	107333,0	374,1
Қорақалпоғистон Республикаси	2361,9	3917,8	5925,7	3718,9	2235	6046,4	256,0
Андижон вилояти	1287,8	1423	1661	1987,3	2236	4056,0	315,0
Бухоро вилояти	2871,6	3408,3	3866,1	5756,7	11008,9	7846,1	273,2
Жиззах вилояти	1017,9	1038,5	1101,1	1247	1436,7	3169,2	311,3
Қашқадарё вилояти	3498,8	4483,2	5590,5	7048,8	10181,9	15321,1	437,9
Навоий вилояти	1622,6	1653	1685,4	2846,8	2784,5	10059,1	619,9
Наманган вилояти	1059,3	1618,7	1966,4	2566,7	3052	7131,0	673,2
Самарқанд вилояти	1915	2247,8	2854	3321,4	3307,1	5746,9	300,1
Сурхондарё вилояти	1246,8	1339,5	1633,4	2005,2	2949,1	6111,0	490,1
Сирдарё вилояти	804,7	927,2	1000,2	1240,9	1349,4	2154,6	267,8
Тошкент вилояти	2982,9	3741,9	4055,7	3959,9	4301,8	9351,4	313,5
Фарғона вилояти	1899,7	1998,4	2133	2404,5	2473,8	4978,4	262,1
Хоразм вилояти	1148,5	1466,5	1343,4	1445,4	1877,1	2980,0	259,5
Тошкент шаҳри	4977,1	5969,5	6854,6	10221,1	11525,9	21861,5	439,2

Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, республикаимиз ҳудудларига инвестицияларни жалб этиш ҳажми йилдан йилга

³ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013-2018 йиллардаги маълумотлари асосида.

ўсиб бормоқда. Буни таҳлил қилинаётган даврдаги 2013 йилга нисбатан 2018 йилга келиб асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг 3,7 мартадан зиёдга ўсганлиги тасдиқламоқда.

Ўз навбатида, мазкур ҳолатни республикамизнинг алоҳида ҳудудлари бўйича ўрганадиган бўлсак, унда 9 та ҳудуддаги ўсиш суръати республика бўйича ўртача ўсиш суръатидан паст бўлганлигини ва улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси (256,0 %) энг кичик ўсиш суръати билан ажралиб турганлигини, шунингдек, 5 та ҳудуд республика бўйича ўртача ўсиш суръатидан юқори кўрсаткични қайд этганлигини, жумладан, Қашқадарё вилояти – 437,9%, Тошкент шаҳри – 439,2 %, Сурхондарё вилояти – 490,1%, Навоий вилояти – 619,9% ва Наманган вилояти – 673,1%га ўсганлигини кўриш мумкин.

Наманган вилояти бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш даражаси республика бўйича ўртача ўсиш суръатидан 1,8 мартага юқори бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бундай тафовут, асосан, 2018 йилда махкур ҳудудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг 7131,0 млрд. сўмга етиши билан юзага келган. Наманган вилояти бўйича мазкур сумма 2017 йилга нисбатан 2,3 мартадан зиёдга ўсишни ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида 3,6 мартадан зиёдни ташкил этган. Аксинча, 2018 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар бўйича биргина Бухоро вилоятида 2017 йилга нисбатан пасайиш юз берган ва бу миқдор 11008,9 млрд. сўмдан 7846,1 млрд. сўмга тушиб қолган.

Ўз навбатида, юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида республикамиз ҳудудларига асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни жойлаштиришда уларнинг эгаллаган улушига қараб баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ушбу таҳлиллар орқали асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг, асосий қайси ҳудудларга кўпроқ жалб этилаётганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажмининг алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимланиш ҳолати ва ундаги динамик ўзгаришлар таҳлил қилинганида ҳудудий тафовутлар ва номутаносибликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу тафовутни қисқартириш эса олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади ва бунинг учун мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга эришиш лозим бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришдаги мавжуд муаммолар жиддийлиги ва ўз ечимини кутаётган долзарб масалалиги билан иқтисодиёт ривожига ўз ўрнига эга бўлган бир қатор муҳим соҳаларнинг тараққиётига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса мавжуд муаммолар ечими устида чуқур ва кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Мазкур мавзу бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида

қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Олиб борилган илмий изланишлар асосида инвестиция фаолиятининг мазмунига замонавий талқиндаги таъриф ишлаб чиқилди ва унга кўра, инвестиция фаолияти – бу ғояларни ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий тامينлаш, бунинг натижасида барпо этилаётган объект фаолиятини бошқариш ва инвесторларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш имкониятларини ҳам акс эттиради.

2. Инвестиция фаолиятини бошқариш бевосита инвестиция лойиҳасига боғлиқ ҳолда ташкил этилганлиги сабабли аниқ лойиҳа бўйича инвестиция фаолиятини бошқариш зарурлиги эса қуйидагилардан иборатдир:

- молиявий нобарқарорлик шароитида лойиҳа самарадорлигининг пасайиш хавфининг устунлиги;
- инвестиция лойиҳаларини бошқариш вақт жараёни билан боғлиқлиги;
- лойиҳани амалга оширишнинг якуний натижасига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири инфляциянинг мавжудлиги;
- турли ноаниқликларнинг мавжудлиги ва таъсири;
- ҳар қандай лойиҳанинг кучли ва ожиз томонлари бўлишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг молиявий таҳлил қилиш ва диагностика қилиш орқали лойиҳани амалга ошириш жараёнида дуч келинадиган рисклар, кризисли вазиятдан чиқиб кетиш юзасидан қарорлар қабул қилиш, чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги.

3. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришда уни молиялаштириш манбалари муҳим ўрин эгаллайди. Бунда улардан самарали фойдаланиш молиявий бошқариш олдигаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

4. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришга турли омиллар таъсир кўрсатади. Тадқиқотларимиз натижалари уларни умумий тарзда макро ва микродаражада таъсир этувчи омилларга ажратиш мақбул эканлигини кўрсатиб берди.

Шунингдек, юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидагиларни ҳам амалга ошириш зарурдир:

1. Ўзбекистоннинг қисқа вақтларда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини таъминлаш.

2. Хорижий инвестицияларнинг фаол кириб келишини таъминлаш учун Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтинг кўрсаткичларини янада яхшилаб бориш чораларини кўриш.

3. Хорижий инвестициялар учун зарур бўлган электр энергияси, газ, сув, транспорт йўллари билан сифатли ва узлуксиз таъминланиш шарт-шароитларини яратиш.

4. Айрим ҳудудлардаги муаммоли экологик вазиятларни юмшатиб бориш.

5. Иқтисодиётда давлат мулки ва улуши бўлган корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва эркин рақобат муҳитини яратиш мақсадида давлат улушини хорижлик инвесторларга сотиш орқали иқтисодиётда давлат бошқаруви ва назоратини қисқартириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 9 декабр, 3-модда. // lex.uz.
2. Попков В.П., Семенов В.П. Организация и финансирование инвестиций. – СПб.: Питер, 2001. – С. 22. (224 с.)
3. Игоница Л.Л. Инвестиции. Уч.пос. – М.:Экономист,2005.–С. 25.
4. Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю, Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – С. 52. (608 б.)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3874-сонли Қарори.
9. <http://www.lex.uz> (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).
10. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
11. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).